
СИНГАПУР КОМПАНИЯСИ ФАРҒОНАДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА СУВНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА УНИНГ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШДА ЎЗ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БИЛАН ИШТИРОК ЭТИШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Сингапурнинг Exciton Systems компанияси вакиллари қабул қилди. Учрашувда Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш учун ақлли технологияларни жорий этиш масаласи муҳокама қилинди.

Сувга бўлган талаб ва эҳтиёж ҳар қачонгидан тобора ортиб бораётган, бутун дунёда сув танқислиги кузатилаётган ҳозирги вазиятда мамлакатимизда ҳам сув ресурсларидан фойдаланиш тубдан ислоҳ қилинаётганини қайд этган вилоят ҳокими, соҳага инновацион технологияларни жалб этишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдирди.

Фарғона вилояти ирригацион тизимларини янгилашда иштирок этишга тайёр эканликларини билдирган Exciton Systems компанияси вакиллари, улар таклиф этаётган технологиялар сувнинг ҳисобини юритиш, сув ҳажмини мониторинг қилиш, таҳлилий маълумотлар жамлаш билан бирга, қишлоқ хўжалиги учун янги бўлган башоратлаш тизимини ҳам ўз ичига олишини билдиришди. Компания ўз технологияларини жорий этиш жараёнини молиялаштиришга ҳам тайёр эканлиги маълум қилинди.

Таклиф этилаётган технологиялар жорий этилган мамлакатларда уларнинг самарадорлиги даражасини жойида ўрганиш учун вилоят ҳокимлиги вакиллари ташрифини ташкиллашга келишиб олинди. Ўрганиш натижаларига кўра, ҳамкорлик бўйича музокаралар давом эттириладиган бўлди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-11-02 11:46:55